

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASIDA XIZMATLAR SOXASINING AQOLI JON BOSHIGA  
TAYSIRINI STATISTIK TAHLILI

Рўзиев Алишер Иброимович

ТМИ, “Статистика ва эконометрика” кафедраси доц.

СТАТИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ВЛИЯНИЯ СЕКТОРА УСЛУГ НА ДУШУ НАСЕЛЕНИЯ В  
РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Рўзиев Алишер Иброимович

ТМИ, кафедра «Статистика и эконометрика» доц.

STATISTICAL ANALYSIS OF THE PER CAPITA INFLUENCE OF THE SERVICES  
SECTOR IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Ro'ziyev Alisher Ibroimovich

TMI, Department of "Statistics and Econometrics" Assoc

**Аннотация:** мақолада хизмат кўрсатишнинг мазмуни, моҳияти ва ривожланиш тарихи юзасидан фикр ва мулоҳазалар билдирилган. Шунингдек, иқтисодиётнинг ривожланишида хизмат кўрсатиш соҳаларининг тенденциялари аниқланган. Шу билан бирга бугунги кунда аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажмини ва истиқболдаги прогноз қийматлари юзасидан таклифлар берилган.

**Таянч сўзлар:** хизмат кўрсатиш соҳаси, статистик маълумотларни тўплаш, жадвал ва графиклар, ЯИМ, ўзгариш суръатлари, динамика қаторлари, ўртача миқторлар, аҳоли жон боши, прогноз қиймат.

**Аннотация:** В статье выражены мысли и мнения о содержании, характере и истории развития оказания услуг. Также определены тенденции сферы услуг в развитии экономики. При этом были сделаны предложения относительно объема услуг на душу населения сегодня и прогнозных значений в будущем.

**Ключевые слова:** сфера услуг, сбор статистических данных, таблицы и графики, ВВП, темпы изменения, динамические ряды, средние величины, на душу населения, прогнозное значение.

**Annotation:** The article expresses thoughts and opinions on the content, nature and history of development of the service. Also, the trends of the service sectors in the development of the economy have been determined. At the same time, proposals were made regarding the volume of services per capita today and the forecast values in the future.

**Key words:** service sector, statistical data collection, table and graphs, GDP, rates of change, dynamic series, average quantities, per capita, projected value.

**Кириш**

Янги Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий секторлари сифатида хизмат кўрсатиш соҳаларининг роли жуда катта ва долзарбдир. Бу ишлаб чиқаришнинг мураккаблашиши, бозорнинг товарлар билан тўйинганлиги, жамият ҳаётига янгиликларни киритадиган илмий-техника тараққиётининг тез ўсиши билан боғлиқдир. Буларнинг барчаси информацион, молиявий, транспорт, консалтинг ва бошқа турдаги хизматларнинг мавжуд бўлишлигини тақозо этади.

Шу боисдан хизматлар соҳаси ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини баҳолашнинг асосий мезони ҳисобланади. Бу борада, мамлакатимизда хизматлар соҳасининг тезкор ўсиш суръатларини таъминлаш, мазкур йўналишда тадбиркорликни янада қўллаб-қуватлаш ва аҳоли учун янги иш ўринларини яратиш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сон[1], ҳамда 2021 йил 11 майдаги “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5113-сон қарор[2]ларида хизматлар соҳасининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги улушини кўпайтириш, жойларда хизматлар соҳасидаги мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш, хизматлар турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш бўйича ўз ечимини кутаётган муаммоли масалаларни ҳал қилиш, мазкур вазифаларни бажаришда ривожланган давлатлар илғор тажрибасини ўрганиш, уларнинг ижобий натижаларини республикада қўллаш муҳим масала ҳисобланади.

**МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ШАРХИ**

Биринчи бўлиб, “хизмат” тушунчасини фанга классик иқтисодий мактаб намоёнчаси, француз иқтисодчиси Жан Батист Сей киритган. Унинг фикрига кўра хизматларни фақат инсон томонидан эмас, балки жисм ва табиат кучи томонидан ҳам кўрсатилади, деб ҳисоблаган[3].

Шу билан бирга классик иқтисод мактаби асосчиси Адам Смит ўз тадқиқотларида хизматлар соҳасини алоҳида тадқиқ қилмаган. Олим хизматга меҳнат сифатида қарайди ва меҳнат (хизмат) ишлаб чиқарилиш жараёнининг ўзида истеъмол бўлиши, унумли ва унумсиз меҳнат (хизмат)ларга бўлишини айтиб ўтган. Смит меҳнат (хизмат) қиймат яратмаслигини, қиймат фақат моддий соҳада яратилишини эътироф этиб ўтган[4].

“Хизмат” тушунчасига мамлакатимиз олимлари ҳам ўз фикрларини билдириб ўтишган, хусусан иқтисодчи олим М.М.Мухаммедов қуйидагича таъриф беради: “моддий кўринишга эга бўлмаган, инсон меҳнати билан яратилган барча неъматлар, улар олди-сотди объектига айланиши ёки айланмаслигидан қатъий назар, битта ибора билан, яъни “хизмат” ибораси билан номланади. Унинг таркибига эса олди-сотди воситасида бозор орқали истеъмолчига бориб етадиган хизмат ҳам, умуман бозорга даҳлдор бўлмаган қисми ҳам киради[5].

### ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Таҳлил жарёнида статистик маълумотларни тўплаш, жадвал ва графиклар, бундан ташқари тасвирий статистика кўрсаткичлари ва **ўртача миқдорлардан фойдаланилди. Мақолада** хизматлар соҳасининг тутган ўрнини статистик баҳолашда динамика қаторларини статистик таҳлил қилиш кўрсаткичларидан ва истиқболдаги прогноз қийматлари аниқланган. Шу билан бирга муаллиф томонидан хулоса ва таклифлар берилган.

### НАТИЖА ВА МУХОКАМА

Хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш миллий иқтисодиётнинг таркибий янгиланиши, аҳоли фаровонлиги ва иш билан бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, кейинги йилларда соҳани ривожлантиришда жиддий эътибор берилиши натижасида, унинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрнида ўзгаришлар кузатилмоқда. Шу ўринда мамлакатимизда хизматлар соҳасининг ривожланиш ҳолатига тўхталсак, 2021 йилда ЯИМ ҳажми 734587,7 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, шундан хизматлар соҳасига 284165,4 млрд сўмга тўғри келади, ёки унинг ЯИМдаги улуши 38,6 фоизни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 19,5 фоизга, аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми эса 7528,9 минг сўмни, ўзгариш суръати 117,2 фоизни ташкил этган[6]. Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, умум ҳисобда иқтисодиётда хизматлар кўрсатиш соҳасининг асосий кўрсаткичлари бўйича ўсиш тенденцияси кузатилганлигини кўришимиз мумкин.

Мамлакатимизда кўрсатилган хизматлар динамикасини миқдорий томондан баҳолашда қуйидаги статистик кўрсаткичлар қўлланилди: мутлақ ўзгариш; ўзгариш суръати, қўшимча ўзгариш суръати; бир фоиз ўзгаришнинг мутлақ моҳияти.

*1-жадвал*

**Ўзбекистон Республикасида кўрсатилган хизматлар динамикасини миқдорий томондан баҳолаш, млрд.сўм.**

Йиллар	Кўрсатилган хизматлар ҳажми, 2020 йил баҳосида, млрд.сўм.	Мутлақ ўзгариш, млрд.сўм.		Ўзгариш суръати,%		Қўшимча ўсиш суръати,%		1% қўшимча ўзгаришнинг мутлақ қиймати
		базис усулда	занжир симон усулда	базис усулда	занжир симон усулда	базис усулда	занжир симон усулда	
2010	68511,2	-	-	100,0	115,8	-	15,8	-
2011	80295,1	11783,9	11783,9	117,2	117,2	17,2	17,2	685,1
2012	92098,5	23587,3	11803,4	134,4	114,7	34,4	14,7	803,0
2013	105360,7	36849,5	13262,2	153,8	114,4	53,8	14,4	921,0
2014	120321,9	51810,7	14961,2	175,6	114,2	75,6	14,2	1053,6
2015	136445,0	67933,8	16123,1	199,2	113,4	99,2	13,4	1203,2
2016	156502,4	87991,2	20057,4	228,4	114,7	128,4	14,7	1364,5



2017	171132,3	102621,1	14629,9	252,9	110,7	152,9	10,7	1565,0
2018	188667,3	120156,1	17535,0	275,4	108,9	175,4	8,9	1711,3
2019	213571,4	145060,2	24904,1	311,7	113,2	211,7	13,2	1886,7
2020	219978,5	151467,3	6407,1	321,1	103,0	221,1	3,0	2135,7
2021	262874,3	194363,1	42895,8	383,7	119,5	283,7	19,5	2199,8

Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган

1-жадвал маълумотларини таҳлил қилиш орқали шуни кўришимиз мумкинки, кўрсатилган хизматлар ҳажмининг ўзгаришини 2010-2021 йилларни динамикасини миқдорий томондан баҳолаш натижаларига кўра, 2021 йилда 2010 йилга қараганда мутлақ ўзгариши 194363,1 млрд. сўмни, 2020 йилга нисбатан 42895,8 млрд. сўмга ўзгарганини кўришимиз мумкин. Агарда ўзгариш суръатини таҳлил қиладиган бўлсак, бунда базис 2010 га нисбатан 3,8 мартадан зиёдга, 2020 йилга нисбатдан эса 19,5 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин.

Кўрсатилган хизматлар ҳажмига умумлаштириб баҳо бериш учун қаторнинг ўртача даражаларини ҳисоблаш зарурияти туғилади ва бу кўрсаткич оддий арифметик ўртача формуласи ёрдамида аниқланади:


$$\bar{Y} = \frac{Y_1 + Y_2 + \dots + Y_n}{n} = \frac{\sum Y}{n},$$

бу ерда:  $Y_i$  – йиллар бўйича хизматлар ҳажми;  $n$  – йиллар сони;

1-жадвал маълумотлари асосида 2010-2021 йиллар бўйича ўртача йиллик кўрсатилган хизматлар ҳажмини аниқлаймиз.

$$\bar{Y} = \frac{1815758,6}{12} = 151313,2 \text{ млрд. сўм.}$$

Хизматлар ҳажмининг ўзгаришини статистик графикда тасвирласак яққолроқ тасавурга эга бўламиз.



**1-расм. Ўзбекистон Республикасида кўрсатилган хизматлар ҳажми, млрд.сўм (таққослама баҳода)**

Ўзбекистонда доимий аҳоли сонининг йилдан йилга ўсиб бораётганлигини инобатга олсак, хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб, натижада турмуш даражаси яхшиланади ва фаровонлашади. Бу эса аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсатилган хизматлар ҳажмини аниқлашни тақозо этади. Бу кўрсаткич қуйидагича аниқланиб, унинг натижалари 2-жадвалдаги маълумотлар билан тавсифланади.

$$АЖБХХ = \frac{КХХ}{\bar{А}}$$

бу ерда; АЖБХХ – Аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажми;

КХХ – Кўрсатилган жами хизматлар ҳажми;

$\bar{А}$  – доимий аҳолининг ўртача йиллик сони.

**2-жадвал**


**Ўзбекистон Республикасида аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажми динамикаси**

Йиллар	Доимий аҳолининг ўртача йиллик сони, минг киши	Кўрсатилган хизматлар ҳажми, млрд.сўм.		Аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажми, 2020 йил баҳоларида, минг сўм
		Жорий баҳоларда	2020 йил баҳоларида	
2010	28562,4	27 126,8	68511,2	2398,6
2011	29339,4	35 196,3	80295,1	2736,8
2012	29774,5	44 386,0	92098,5	3093,2
2013	30243,2	55 872,8	105360,7	3483,8
2014	30757,7	68 032,1	120321,9	3911,9
2015	31298,9	78 530,4	136445,0	4359,4
2016	31847,9	97 050,0	156502,4	4914,1
2017	32388,6	118 811,0	171132,3	5283,7
2018	32956,1	150 889,8	188667,3	5724,8
2019	33580,4	193 697,8	213571,4	6360,0
2020	34232,1	219 978,5	219978,5	6426,1
2021	34915,1	284 165,4	262874,3	7528,9

Муаллиф томонидан ҳисобланган

2-жадвал маълумотлари шундан далолат берадики, доимий аҳоли сони 2010-2021 йилларда 22,2 фоизга кўпайиб, кўрсатилган хизматлар ҳажми аҳоли жон бошига қарийб 3,14 мартага ошган, яъни 2010 йилда 2398,6 минг сўмни, 2021 йилда эса 7528,9 минг сўмни ташкил этган.

Статистик таҳлил натижаларида аниқланган аҳоли жон бошига тўғри келган хизматлар ҳажми 2-расмда акс эттирилган.



**2-расм. Ўзбекистон Республикасида аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажми (минг сўм ҳисобида)**

Республикамизда 2010-2021 йилларда аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажмининг геометрик ўртача формуласи ёрдамида аниқланган ўртача йиллик ўсиш суръати 113,0 фоизни, қўшимча ўсиш суръати эса 13,0 фоизни ташкил этганини инобатга олсак, қисқа муддатли прогноз кўрсаткичларини аниқлаш мумкин (3-жадвал).

**3-жадвал.**

**Ўзбекистон Республикаси аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажмининг прогноз кўрсаткичлари (минг сўм ҳисобида)**

Кўрсаткичлар	2021 йил ҳақиқатда	2022 йил	2023 йил	2024 йил
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажми прогноз натижалари (минг сўм ҳисобида)	7528,9	8507,6	9613,6	10863,4

Ҳисобланган прогноз кўрсаткичларига кўра, аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажми 2020 йил баҳоларида 2024 йилда 10863,4 минг сўмни ташкил этилиши кутилади, яъни 2021 йилга нисбатан ўсиш суръати 144,3 фоизни ташкил этиши мумкин.

**ХУЛОСА**

Фикримизча, хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш айниқса, қишлоқ жойларида кўрсатилаётган хизматларнинг турини кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

➤ Президент томонидан 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон



фармода кўрсатилганидек, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартиришга эришиш;

➤ қишлоқ аҳоли пунктларида хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантириш, биринчи навбатда коммунал-маиший, уй-жойларни таъмирлаш ва қуриш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш;

➤ хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорларнинг фаоллигини кучайтириш учун шарт-шароитлар яратиш, оилавий тадбиркорлик субъектларига ўқув муассасалари битирувчилари орасидан ёшларни жалб этиш;

➤ ҳар бир ҳудуднинг хусусиятларидан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш соҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасининг улуши ошиб боришига эришиш мақсадида шарт-шароитлар яратиш;

➤ аёлларнинг иш билан бандлиги хизмат кўрсатиш соҳаларида ўсиб бораётганлигини ҳисобга олиб, уларнинг касбий фаолиятларини оилавий юмушлар, фарзандлар тарбияси билан бирга уйғун тарзда йўналтиришлари учун бандликнинг ностандарт турларидан фойдаланиш.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, хизматлар соҳасини модернизация ва диверсификация қилишни, унинг таркибини замон талабларига мос ҳолда ўзгартиришни амалга оширишни оптимал тарзда олиб бориш ЯИМда қўшилган қиймат ҳажмини кўпайтиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Шу нуқтайи назардан хизматларнинг бозорда янги-янги ўнлаб турларини барпо этиш, жумладан кредит карталари орқали тўловлар, интернет-савдо, янги савдо-сотиқ марказлари, овқатланиш ошхоналари, меҳмонхоналар очиш, таълим хизматларини кенгайтириш, туризм индустрияси кабиларни ривожлантириб, аҳоли тумуш даражаси ва фаровонлигини юксалтириш зарурдир.

### **Фойдаланган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/4926736>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5113-сон қарори.// “Халқ сўзи”, 2021 йил 12 май.

3. Жон Батист Сей, Фредерик Бастиа. Трактат по политической экономии – М.: “Дело”, 2000.

4. Адам Смит. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: “Эксмо”, 2016.

5. Мухаммедов М.М. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш ва туризмнинг назарий асослари. Монография.- Самарқанд, СамИСИ, 2016.
6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. [www.Stat.uz](http://www.Stat.uz).